2026-YIL – MAHALLANI RIVOJLANTIRISH VA JAMIYATNI YUKSALTIRISH YILI

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2026-yil 24-sentabr, payshanba

41 (9413)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

КАРТОШКАЧИЛИКДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР УРУҒЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛМОҚДА

Ҳеч кимга сир эмаски, дунёдаги геосиёсий беқарорлик натижасида глобал логистика занжирларидаги узилишлар ва ташқи бозорларда нархларнинг кескин ўзгариши барча давлатларда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга энг муҳим устувор вазифа сифатида қаралиб, миллий озиқ-овқат тизимларини мустаҳкамлаш йўлида бир қанча тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2020-2025 йилларда 250 минг гектардан зиёд пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, озиқ-овқат экинлари етиштиришга ўтказилди. Бу йилига қўшимча 5 миллион тоннадан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга имкон берди ҳамда 2,2 миллион мавсумий ва доимий иш ўринлари яратилишини таъминлади. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда иккинчи нон ҳисобланган картошкага бўлган аҳоли талабини маҳаллий маҳсулот ҳисобидан таъминлашда маҳсулот етиштириш жараёнларига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш ва субсидиялар ажратишнинг мутлақо янги молиявий-иқтисодий механизмлари жорий этилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йили қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишлаб ўтказилган йиғилишда аҳолининг картошкага бўлган талабини қондириш, ҳудудларда картошка етиштиришни кўпайтириш, ички бозорда нархни барқарор ушлаш ва импортни қисқартириш мақсадида 2026 йилда 4,5 млн. тонна ҳосил олиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда жами 238 минг гектар картошка экилди. Бу ўтган йилга нисбатан 46 минг гектар кўп демакдир. Бундан ташқари, ҳудудларда ғалла ва эртаки экинлардан бўшаган майдонлар ҳамда аҳоли томорқаларига 71 минг гектар картошка экилди.

Картошкачиликда сифатли маҳсулот ва юқори ҳосилдорликка эришишда асосий эътиборни уруғчилик тизимини ривожлантиришга қаратиш энг муҳим масаладир. Бунинг учун Ҳукумат томонидан барча шароит ва имкониятлар яратиб берилган.

(Давоми 2-саҳифада)





“Янги агроном” ва дуал таълим: ТДАУ ТАЛАБАЛАРИ ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНИКАЛАРНИ АМАЛИЁТДА БОШҚАРМОҚДА

Тошкент давлат аграр университетида “Янги агроном” дастури доирасида дуал таълимнинг амалий босқичи сифатида Агромуҳандислик ва агротехнологиялар факультети талабалари Тошкент вилоятининг Оққўрғон ва Қуйи Чирчиқ туманларидаги “Глобал Техтиле” кластери ҳудудларида пахта етиштириш ва йиғиб-териб олиш жараёнларида бевосита иштирок этмоқда.





Талабаларнинг дуал таълим амалиёти “Саидаброр Султон Саййид” кўп тармоқли фермер хўжалигининг пахта далаларида ҳам ташкил этилиб, бунда улар замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, пахта терим машиналарини бошқариш ҳамда механизациялашган жараёнларни амалий ўзлаштирмоқда.

Бунда ёшлар механизатор сифатида бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмоқда. Бу эса талабаларга аудиторияда олган назарий билимларини реал дала шароитида мустаҳкамламоқда. “Янги агроном” дастури ҳам айнан замонавий агротехнологияларни пухта эгаллаган, амалий кўникмага эга мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ЯНГИ ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲА: ЁМҒИР СУВЛАРИНИ ЙИҒИШ ВА ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Жиззах вилоятининг Бахмал ҳамда Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманларида ёмғир сувларини йиғиш ва сақлаш, улардан томорқа хўжалигида самарали фойдаланишга қаратилган янги ижтимоий лойиҳа амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда “Қишлоқ туризми ва яшил иқтисодиёт” уюшмаси ўртасида “Қўшработ ва Бахмал туманларида ёмғир сувларини йиғиш, сақлаш ва суғоришда тежамкор технологияларни қўллаш орқали аҳолининг иқлим ўзгаришига мослашувчанлигини ошириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича уч томонлама шартнома тузилган. Лойиҳа учун 600 миллион сўм ажратилган бўлиб, уни амалга ошириш муддати 7 ой этиб белгиланган.

Мазкур лойиҳа 2026 йил 19 августдаги Парламент комиссияси қарори билан ғолиб деб топилган. Сув хўжалиги вазирлиги давлат буюртмачиси, ”Қишлоқ туризми ва яшил иқтисодиёт” уюшмаси эса ижтимоий буюртманинг бевосита ижрочиси ҳисобланади.

Лойиҳа учун Бахмал ва Қўшработ туманларининг танланиши бежиз эмас. Бу ҳудудларда бир томондан ёғингарчилик нисбатан кўп бўлса, иккинчи томондан ёз ойларида томорқаларни суғориш учун сув танқислиги кузатилади. Бахмал метеостанцияси маълумотлари бўйича ўртача кўп йиллик ёғингарчилик миқдори 441 миллиметрни, Қўшработда эса 389 миллиметрни ташкил этади.

(Давоми 3-саҳифада)



Юзларингга тутгандай кўзгу,
Термулганинг – хазонлар рақси.
Муҳаббатнинг суратими у,
Бунча гўзал сувдаги акси...

Ё бир оз тин оляптими вақт,
Кўз ёшми ё сукут нафаси?
Билмам балки, сирли сукунат,
Ё кузнинг энг бахтли лаҳзаси...

Шерзод АБДУСАМАДОВ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Бекобод туманидаги “Қўрғон” маҳалласида томорқада деҳқончилик қилиш учун барча имкониятлар яратилган. Маҳалла аҳли ҳар йили томорқадан унумли фойдаланиб, юқори даромад олишмоқда. Жумладан, Тўлқин Ўроқов оиласи ҳам 6 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, помидордан 7 тонна ҳосил олишни режалаштиришган. Айни кунда пишган ҳосил пешма-пеш териб олиниб, харидорларга етказилмоқда.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.



Молекуляр-генетик тадқиқотлар яхши натижа берди

Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қорамолчилик муҳим ўрин тутади. Кейинги йилларда бу соҳада ҳам катта-катта лойиҳалар амалга оширилмоқда, наслли моллар бош сони кўпайиб, уларнинг маҳсулдорлиги ошиб бормоқда. Республикамизда генетик хилма хилликни асраш, жумладан, бош сони тобора камайиб бораётган миллий Бушуев зотли сутдор қорамолларимизнинг қимматли генофондини сақлаш ва урчитиб кўпайтириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

(Давоми 3-саҳифада)





Соғлом тойчоқ – БАҚУВВАТ ОТ, САМАРАЛИ ЙИЛҚИЧИЛИК ВА ХЎЖАЛИК БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Йилқичиликда ёш тойчоқларнинг соғлом ўсиши ва ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. Аммо улар саломатлигига жиддий хавф туғдирадиган касалликлар орасида кўпинча етарлича эътибор берилмайдиган паразитар касалликлар ҳам бор. Шулардан бири параскаридоз ҳисобланади. Касаллик айниқса, 2-12 ойлик тойчоқларда оғир кечиши мумкин. Паразит нафақат ичакда яшайди, балки ривожланишининг дастлабки босқичида организм бўйлаб мураккаб йўлни босиб ўтади. Шу жараёнда жигар ва ўпка тўқималари зарарланади, кейин эса қуртлар ичакка тушиб, ҳазм жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Параскаридознинг хавфли жиҳатларидан бири паразит личинкаларининг миграция жараёнидир.

(Давоми 3-саҳифада)



“Янги агроном” ва дуал таълим:

ТДАУ ТАЛАБАЛАРИ ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНИКАЛАРНИ АМАЛИЁТДА БОШҚАРМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)
“ЯНГИ АГРОНОМ” ДАСТУРИ ЖИЗЗАХДА: ТДАУ ТАЛАБАЛАРИ МИРЗАЧЎЛ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНИКАЛАРНИ ЎЗЛАШТИРМОҚДА

“Янги агроном” дастури доирасида дуал таълимнинг амалий босқичи сифатида Тошкент давлат аграр университети Агромуҳандислик ва



агротехнологиялар факультети талабалари Жиззах вилояти Мирзачўл тумани “Ипак йўли” ҳудудидаги пахта далаларида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини бошқармоқда ва амалий ўзлаштирмоқда.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг таълим ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратаётган эътибори



натижасида пахта етиштириш ва йиғиб-териб олиш жараёнларида механизация кўлами тобора кенгаймоқда. Жиззах вилоятида пахтачиликда илғор агротехнологияларни қўллаш орқали ҳосилдорликни ошириш имконияти яратилган. Пахта теримида механизацияни кенгайтириш натижасида жорий йилда ҳосилнинг 100 фоизини машиналарда териш мақсад қилинган.

Бундай кенг кўламли механизация ва замонавий агротехнологияларни жорий этиш, табиийки, янги билим ва кўникмаларга эга мутахассисларга бўлган эҳтиёжни оширади. “Янги агроном” дастурининг асосий мақсадларидан бири ҳам ана шу эҳтиёжни қоплашга қаратилган.

ТДАУ ахборот хизмати.



АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – АҲОЛИГА ЯНАДА КЕНГРОҚ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ

Жорий йилда юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кўплаб давлат дастурлари доирасидаги хайрли ишларга шу кунга қадар салкам бир триллион сўм маблағ сарфланди.



Биргина инвестиция дастурига асосан, таъмирталаб 40 та мактаб реконструкция қилиниб, замонавий қиёфага келтирилди. Янгидан 4 та болалар боғчаси қад ростлади. Айни кунда халқимизга янада сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида бешта соғлиқни сақлаш объектида қурилиш-монтаж ишлари қизғин бормоқда. Хусусан, 80 ўринли вилоят кардиология диспансери, Ғозғон шаҳрида 48 ўринли шифохона бунёд этилмоқда. Замонавий, барча қулайликларга эга мазкур тиббиёт муассасалари яқин кунларда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Ҳозиргача ушбу инвестиция объектлари қурилишига давлат бюджетидан 600 миллиардга яқин маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, маҳаллалар инфратузилмасини тубдан яхшилаш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш йўлида ҳам изчил ишлар давом эттирилмоқда. Маҳалла йўллари кенгайтирилиб, замон талабига мос пиёдалар йўлакчалари барпо этиляпти. Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тунги ёритиш чироқлари ўрнатилмоқда. Бу эса, хавфсиз ҳаракатланишни таъминлаш билан ҳудуднинг замонавий кўриниш касб этишига ҳам хизмат қилади. Ушбу бунёдкорлик ишларидан мақсад маҳаллаларнинг мавжуд инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли учун зарур қулайликларни кенгайтириш ва турмуш тарзини янада обод қилишдир. Бундай эзгу ишлар кейинги йилларда ҳам босқичма босқич давом этаверади. Зеро, осмони мусаффо юртда бунёдкорлик ишлари бўй кўрсатаверади.

Наврўз ЭГАМБЕРДИЕВ,
Навоий вилояти ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида бюртмачи хизмати” давлат муассасаси директори ўринбосари.

КАРТОШКАЧИЛИКДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР УРУҒЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛМОҚДА



(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, ўтган йили шунга оид қарор қабул қилиниб, картошка етиштирувчиларга бир қатор имтиёзлар берилди. Жумладан, жорий йилдан картошканинг “in-vitro” ўсимликлари ва микротуганакларидан 10 миллион дона мини туганакларни етиштириш харажатларини молиялаштириш учун бюджетдан Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 1,5 миллион АҚШ доллари эквивалентида трансфер маблағлари ажратилди. Шу йилдан бошлаб истеъмол ва уруғлик картошка етиштириш харажатларини молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги янги тартиби жорий этилди: жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали картошка етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил қийматининг 50 фоизигача йиллик 12 фоиз ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга суғурта полиси асосида кредитлар ажратиш;

картошка етиштирувчилар томонидан ер майдонларини суғоришда фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари қурилмалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг 50 фоизигача, бироқ 50 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган қисмини давлат бюджетидан қоплаб бериш;

картошка етиштирувчилар томонидан маҳсулот етиштиришда суғориш тадбирлари учун ўз балансидаги насос агрегатлари сарфлайдиган электр энергияси харажатларининг 50 фоизини давлат бюджетидан қоплаб бериш;

2030 йил 1 январга қадар картошка етиштирувчилар ва қишлоқ хўжалигига агротехник хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлар томонидан ўз эҳтиёжлари учун хориждан олиб келинадиган ҳамда ишлаб чиқарилганига уч йилдан ошмаган картошка экиш ва йиғиштириш учун мўлжалланган техникалар божхона божидан озод қилинади, уларга эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини 120 кунгача бўлган муддатга кечиктириб тўлашга рухсат бериш механизмлари жорий этилди. Бу картошка етиштиришда ресурс-тежамкор технологияларни қўллашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Картошка уруғчилигини ривожлантириш бўйича тизимда халқаро лойиҳалар хам амалга оширилмоқда. Хусусан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жанубий Корея Республикаси Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш вазирлиги, Корея қишлоқ ҳудудларни ривожлантириш коорпорацияси ва Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда қиймати 4,3 млн. АҚШ долларига тенг “Ўзбекистонда картошка уруғчилигини ривожлантиришда кадрлар салоҳиятини ошириш” лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа доирасида ақлли гидропоника-иссиқхона ва Nethouselар қурилди, ин-витро лабораторияси фаолияти йўлга қўйилди. Кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида 20 нафар ходим Жанубий Корея Республикасида қисқа маддатли стажировка ўтади. Илмий-амалий семинарларда 50 дан ортиқ соҳа мутахассислари ўқитилди.

Жорий йилдан бошлаб, 500 минг дона картошканинг юқори авлодли туганакларини “in-vitro” усулида етиштириш ҳамда тадқиқотлар натижасида иқлим ўзгаришиларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонга мос маҳаллий янги картошка навларини яратиш имконияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда республикада худди шундай “ин-витро” лабораторияларида картошка ҳужайраларидан мини туганаклар етиштириш бўйича 4 та илмий муассаса ва 1 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Ушбу лабораторияларда ҳар йили ўн млн. дона мини туганаклар етиштириш имкони яратилди. Жорий йилда 4 млн. дона мини туганаклар етиштириш ва ихтисослашган туманлар (Булунғур, Зомин, Бахмал, Бўстонлиқ, Шаҳрисабз, Китоб, Қўрғонтепа, Янгиқўрғон ва Сўх) даги юқори авлодли уруғлик етиштирувчиларга беғараз етказиб бериш ташкил этилмоқда.

Бугунги кунда илмий муассасалар томонидан 2 млн. дона мини туганаклар етиштирилиб, ихтисослашган туманлардан танлаб олинган уруғлик картошка етиштирувчиларга беғараз етказиб берилди ва 20 гектар майдонга экилди. Шунингдек, хусусий тадбиркор “ГОЛДЕН СЕЕД” МЧЖ томонидан 4 млн. дона мини туганак



етиштирилиб, 40 гектар майдонга экилмоқда. Ушбу майдонларда супер элита авлодли уруғлик картошка етиштирилади.

Ўтган йили Мисрнинг юқори авлодли уруғлик картошка ишлаб чиқарувчи “EFC Plants Tissue Culture S.A.E.” инновацион компанияси билан бирга Китоб туманида, денгиз сатҳидан 700 метр баландликдаги ер майдонида САРА навли картошканинг (Г1) 500 минг дона мини туганаклари беш гектар майдонга экилди. Ушбу майдонда 150 тонна супер элита уруғлик картошка етиштирилиб, бу йил такрорий экин сифатида 50 гектар майдонда етиштирилади. Ўтган йилги тажрибани давом эттирган ҳолда “Булунғур агростар” МЧЖ томонидан бу йил ҳам Миср компаниясидан 250 минг дона мини туганак келтирилиб, 3 гектар майдонга экилди. Агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш учун мазкур компаниянинг агроном мутахассислари ҳам жалб этилди. Шу билан бирга юқори ҳосилдор элита авлодли уруғликлар ривожланган Европа давлатларидан олиб келиниб, фермер ва деҳқон хўжаликларига етказиб берилди.



Бундан ташқари, соҳага Жанубий Корея, Миср, Хитой ва бошқа давлатлардан малакали олимлар, агрономлар ҳам жалб қилиниб, уруғлик картошка етиштириш бўйича хориждаги илғор инновацион тажрибалар мамлакатимизда қўлланилмоқда. Бу эса, юқори ҳосилдорликка эришишга замин яратмоқда.

Маҳаллий ва хорижий олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган тавсияларга асосан, картошка етиштиришда илғор агротехник тадбирларни қўллаш ва юқори ҳосилдорликка эришиш бўйича ҳар бир ҳудудда кўргазмали дала семинарлари ўтказилиб, ишлаб чиқилган илмий тавсиялар картошка етиштирувчиларга етказиб берилмоқда.

Картошкачиликда юқори ҳосилдорликка эришишда уруғлик туганакларни экишдан олдин тўғри тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Экиш учун вазни 30-60 г. бўлган, вируслардан холи, механик шикастланмаган ва бир хил фракциядаги туганаклар танланади. Картошка уруғини қизил нур ёрдамида тез нишлатиш юқори ҳосил олишдаги инновацион усуллардан биридир. Бу усул туганакларнинг тезроқ уйғонишига (30 кундан 10 кунгача қисқаради) ёрдам беради. Натижада, нишлар эртароқ, бир текис ва бақувват ҳосил бўлади. Қизил нурли лампа туганакларидан 1-1,5 метр баландликда ўрнатилади. Туганакларга кунига 12-14 соат давомида, 15-20 кун мобайнида қизил нур берилади. Хона ҳарорати 20-25 °С бўлиши ва ҳаво яхши алмашиниб туриши керак. Хонада ортиқча намлик бўлмаслиги зарур, чунки бу турли касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қизил нур билан ишлов берилган туганакларда ниш чиқиши 30-50 фоизга тезлашади, нишлар бақувват бўлади, поялар яхши ривожланади ва ўсимликнинг ўсиши жадаллашади. Бу эса эртароқ ҳосил олиш ва юқори ҳосилдорликка эришиш имконини беради. Жорий йилда ушбу экиш амалиёти йўлга қўйилган майдонлардан олинган ҳосил 50 тоннагача етди.

Картошка етиштиришда сув тежовчи технологиялар ҳам кенг жорий этилмоқда ва бугунги



кунда 10 минг гектардан ортиқ майдонда томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш усуллари қўлланилмоқда. Бунинг натижасида, сув сарфи 30-40, минерал ўғитлар сарфи 20-30 фоизга тежалиб, анъанавий суғоришга нисбатан ҳосилдорлик 30-50 фоизгача ошишига эришилмоқда.

Ўғитлаш тизимига янги механизмлар жорий қилиш ҳам юқори ҳосилдорликка эришиш ва сифатли маҳсулот етиштиришга хизмат қилмоқда. Анъанавий усулда асосан, уч хил минерал ўғит (азот, фосфор ва калий) қўлланган бўлса, ҳозирги кунда олимларимиз тавсиясига асосан, ушбу ўғитлардан ташқари 20 турдан ортиқ микро ўғитлар ҳам қўшиб қўллаш тизими йўлга қўйилди. Картошка етиштиришда микроўғитлар ўсимликнинг соғлом ўсиши ва юқори ҳосилдорлигини таъминлашда жуда муҳим ва алмаштириб бўлмас аҳамиятга эгадир. Картошканинг тўлиқ пишиб етилиши, пўстининг қалинлашиб тўр билан қопланиши ва узоқ муддат чиримасдан сақланиши бевосита ўғитлаш тартибига боғлиқдир. Нўноқлик билан фақат азотли ўғитлар бериш ёки суғориш режимини бузиш сақланувчанликка салбий таъсир қилади. Микро ўғитлар билан тўғри озиқлантирилган картошка туганаклари омборхонада сақлаш давридаги касалликларга (фузариоз, макроспориоз, ҳалқали чириш) кучли бардошли бўлади.

Йил бошида қилинган тўғри режа ўз мевасини берди. Асосий майдонлардан 3,3 млн. тонна ёки ўтган йилга нисбатан 200 минг тоннадан кўп картошка етиштирилди. Картошкачиликка ихтисослашган Булунғур, Янгиқўрғон, Бахмал, Қўрғонтепа, Сўх, Шаҳрисабз, Китоб ва Бўстонлиқ туманларидаги миришкорлар ўртача ҳар бир гектардан 500-550 центнер ҳосил етиштирмоқдалар. Бу эса, ўтган йилга нисбатан импортнинг 54 минг тоннага камайишига хизмат қилди.

Асосий майдонда етиштирилган картошка аҳоли талабидан қарийб 10 фоизга кўплиги ҳисобкитоб қилиниб, ортиқча картошкани 5-6 ой муддат сақлаш ва экспортга йўналтириш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, Республика бўйича жами 500 минг тонна картошка захира қилиш белгиланиб, йиғиб олинган ҳосилни ички бозорга чиқариш ва ортиқча 215 минг тоннасини махсус омборхоналарда захирага жамғариш ишлари амалга оширилди.

Картошкани совуткичли омборларда сақлаш учун уни тайёрлаш ва сақлаш босқичларига амал қилиш зарур. Бунда, картошка палаклари сарғайиб, қуригач ва туганак пўсти қалинлашгач йиғиб олинади, механик шикастланишига йўл қўйилмай, даланинг ўзида бир неча соат давомида қуритиб, сараланади. Картошкани ёруғлик тушмайдиган жойда сақлаш керак, акс ҳолда устида кўк ранг пайдо бўлиб, соланин моддаси кўпаяди ва аччиқ бўлиб қолади.

Бугунги кунда тадбиркорлар томонидан 15,9 минг тонна картошка экспорт қилиш бўйича шартномалар имзоланиб, 627 тоннаси экспортга чиқарилди.

Республикамиз аҳолисини қиш ва баҳор ойларида картошка билан таъминлаш мақсадида ғалладан ва эртаки экинлардан бўшаган майдонларга картошка экиш ишлари якунланди. Эндиги вазифа илғор агротехник тадбирлар асосида етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишдир.

Бу йил қиш ва баҳор мавсуми учун 250 минг тоннадан ортиқ картошка захира қилинади.

Ж. АБДУЗУХУРОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари в.б.,
И. ХОЛМИРЗАЕВ,
Агросаноатни ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги департаменти бошлиғи,
З. АРТИКОВ,
Мева-узумчилик, сабзавот, полиз ва картошкачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.









Соғлом тойчоқ –

бақувват от, самарали йилқичилик ва хўжалик барқарорлигининг муҳим омили



(Боши 1-саҳифада)

Тойчоқ паразит тухумларини ютиб юборгач, улардан чиққан личинкалар ичак деворидан қон томирларига ўтади. Қон оқими орқали жигарга, кейин эса ўпкага етиб боради. Ўпкадан нафас йўллари орқали юқорига кўтарилиб, яна ютилади ва қайтадан ичакка тушади. Шу тариқа паразитнинг ривожланиш цикли давом этади. Личинкаларнинг бу ҳаракати организмда сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқаради. Жигарда личинкалар ҳаракатланган жойларда оқиш-кулранг ёки оч сариқ тусдаги майда ўчоқлар пайдо бўлиши мумкин. Ветеринария амалиётида улар кўпинча “оқ доғлар” деб аталади. Микроскопик текширувда эса яллиғланиш, тўқима зарарланиши ва майда некроз ўчоқлари кузатилади. Ўпкада личинкалар капиллярлар ва альвеолалар деворини зарарлаши натижасида майда қон қуйилишлар, шиш ва яллиғланиш юзага келади. Бу жараён тойчоқларда йўтал ва нафас олиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Паразит личинкалари ўпка орқали ҳаракатланаётган даврда касалланган тойчоқда қуруқ, қисқа йўтал пайдо бўлади. Кейинчалик йўтал намлашиши, бурундан шиллиқ ажралма келиши, нафас олишнинг тезлашиши ва қийинлашиши мумкин. Айрим ҳолларда тана ҳарорати ҳам кўтарилади. Бу белгиларни оддий шамоллаш, деб қабул қилиш хато бўлиши мумкин. Айниқса, бир гуруҳдаги бир нечта тойчоқда бир вақтнинг ўзида йўтал кузатилса, паразитар касаллик эҳтимолини ҳам ҳисобга олиш лозим. Паразитлар ичакка тушиб, вояга етгач, касалликнинг белгилари ўзгаради. Тойчоқнинг иштаҳаси пасайиши, ўсиши секинлашиши, вазни камайиши, ичи кетиши ёки аксинча қабзият кузатилиши мумкин. Жун қоплами ўзининг табиий ялтироқлигини йўқотиб, хира ва ҳурпайган ҳолга келади. Қориннинг осилиб, шишгандай кўриниши ҳам параскаридозга хос белгилардан бири бўлиши мумкин. Вояга етган параскаридлар ингичка ичакда яшайди ва унинг шиллиқ қаватига таъсир кўрсатади. Кўп сондаги паразитлар ичак деворини яллиғлантиради, шиллиқ қават шишади ва айрим жойларда майда жароҳатлар пайдо бўлади. Энг хавфлиси – паразитлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетганида ичак бўшлиғини тўсиб қўйиши. Бундай ҳолатда тойчоқда кучли санчиқ, безовталик ва ичак фаолиятининг бузилиши кузатилиши мумкин. Оғир ҳолатларда ичак девори шикастланиб, унинг ёрилиши ва қорин бўшлиғида оғир яллиғланиш ривожланиши эҳтимоли бор. Бу эса ҳайвон ҳаётига бевосита хавф туғдиради. Шунинг учун параскаридозни фақат “қурт тушиши” билан боғлиқ оддий муаммо, деб қараш тўғри эмас. У ёш ҳайвоннинг ўсиши, вазн олиши ва умумий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Параскаридозга қарши турли антгельминтик препаратлар қўлланади. Бензимидазоллар гуруҳига фенбендазол, альбендазол ва бошқа препаратлар киради. Уларни қўллашда ветеринар тавсияси, ҳайвоннинг ёши, вазни ва касаллик даражаси ҳисобга олиниши керак. Айни пайтда яна бир муҳим муаммо бор: параскаридларнинг айрим антгельминтик препаратларга чидамлилиги. Шу сабабли бир препаратни узоқ вақт давомида назоратсиз ва такрорий қўллаш даволаш самарасини пасайтириши мумкин. Айниқса, кучли зарарланган тойчоқларга препарат танлашда эҳтиёткорлик талаб этилади. Паразитлар бир вақтнинг ўзида кўплаб нобуд бўлса, ичакда тўпланиб, унинг тиқилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун даволаш тарзини ветеринар мутахассис белгилаши мақсадга мувофиқ.

Параскаридозга қарши курашда фақат дорига суяниш етарли эмас. Чунки паразит тухумлари ташқи муҳитга чидамли бўлиб, отхона ва яйловларда узоқ вақт сақланиб қолиши мумкин. Шу сабабли, санитария-гигиена талабларига риоя қилиш профилактиканинг энг муҳим қисмидир. Отхонадаги гўнгни ҳар куни тозалаш, уни белгиланган жойга олиб чиқиш ва зарарсизлантириш, тойчоқлар сақланадиган майдонларни мунтазам тозалаш зарур. Яйловлар ва ҳайвонлар юрадиган майдонларда ҳам санитария ҳолатига эътибор бериш паразит тухумларининг тўпланиб қолишини камайтиради.

Тойчоқларни режали равишда дегельминтизация қилиш ҳам муҳим. Бироқ препаратни шунчаки маълум муддатда такрорлаш эмас, балки хўжаликдаги эпизоотик ҳолат, ҳайвонларнинг ёши ва аввалги даволаш самарасига қараб режалаштириш мақбул. Дори самарасини назорат қилиш учун нажасдаги паразит тухумлари миқдорини текшириш усулларидан фойдаланиш мумкин. Бу орқали қўлланилаётган препарат қанчалик самара бераётгани ва унга нисбатан чидамлилик шаклланган-шаклланмаганини баҳолаш имкони пайдо бўлади.

Параскаридозга қарши курашда битта чоранинг ўзи етарли эмас. Самарали профилактика учун отхонани тоза сақлаш, гўнгни ўз вақтида чиқариш, яйловлардан оқилона фойдаланиш, тойчоқларни мунтазам кузатиш ва дегельминтизацияни ветеринар назоратида олиб бориш зарур. Айниқса, ёш тойчоқларда йўтал, озиш, ўсишдан орқада қолиш, қориннинг шишиб кўриниши, ич кетиши ёки қабзият каби белгилар кузатилса, паразитар касаллик эҳтимолини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Параскаридознинг олдини олишда асосий мақсад – касаллик авж олганидан кейин даволаш эмас, балки паразитнинг хўжаликда тарқалишига йўл қўймаслик. Чунки соғлом тойчоқ – бақувват от, самарали йилқичилик ва хўжалик барқарорлигининг муҳим омилидир.

Жўрабек ДАМИНОВ,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали илмий раҳбари, в.ф.ф.д., (PhD),
Гавҳар ЗАҲРИДДИНОВА,
Руҳшонабону ҚАЮМЖОНОВА,
филиал талабалари.

Янги ижтимоий лойиҳа: ёмғир сувларини йиғиш ва тежамкор суғориш технологиялари жорий этилади

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, Бахмал тумани Ойқор МФЙдаги томорқалар Тангатопдисойдан сув олади. Июнь ойидан бошлаб ёз мавсуми давомида сойда сув миқдори камаяди. Қўшработ тумани Қийқим МФЙда ҳам томорқаларни сув билан таъминлайдиган Оқтепасойда ёзда шундай ҳолат кузатилади.

Лойиҳа ана шу муаммога оддий ва амалий ечим таклиф қилмоқда – ёғингарчилик даврида сувни йиғиб, махсус сиғимларда сақлаш ва сув танқис бўлган пайтда томорқа экинларини тежамкор усулда суғориш.

Дастлаб Бахмал тумани Ойқор МФЙдан 8 та ва Қўшработ тумани Қийқим МФЙдан 8 та – жами 16 та эҳтиёжманд оила танлаб олинади. Уларнинг хонадонларида ёмғир сувларини йиғиш ва сақлаш ҳамда экинларни сув тежовчи технологиялар асосида суғориш тизимлари ўрнатилади. Хонадонларни танлаш туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, томининг майдони ўртача 100 квадрат метр бўлган битта хонадонда йиллик ёғингарчилик ҳисобидан Бахмалда 44 тоннагача, Қўшработда эса 38 тоннагача ёмғир сувини йиғиш имкони мавжуд. Бу сув 10 сотих томорқада мевали дарахтларни томчилатиб суғориш учун талаб этиладиган сувнинг 45–50 фоизини, сабзавотларни томчилатиб суғоришда 30–35 фоизини, ёмғирлатиб суғоришда эса 25–30 фоизини қоплаши мумкин.

Шундай қилиб, ҳар бир хонадонда йилига ўртача 40 тонна ёмғир сувидан фойдаланиш йўлга қўйилса, лойиҳа қамраб олган 16 та хонадонда бир йилнинг ўзида 640 тоннагача сувни йиғиш ва томорқа эҳтиёжларига йўналтириш имкони пайдо бўлади. Бу эса мавжуд сув манбаларига тушадиган босимни камайтириш билан бирга, аҳолининг томорқадан унумли фойдаланиши ва қўшимча даромад олишига хизмат қилиши кутилмоқда.

Мазкур ташаббус 2026 йил 16 февралда қабул қилинган ПФ–22-сонли Фармонда белгиланган вазифалар билан ҳам уйғун. Давлат дастурининг 208-бандида аҳоли ўртасида сув ресурсларини тежаб ишлатиш маданиятини шакллантириш орқали уй хўжалигида томорқадан унумли фойдаланишни ривожлантириш, суғоришнинг замонавий ва тежамкор технологиялари афзалликларини тарғиб қилиш ҳамда тажриба майдончаларини ташкил этиш белгиланган.

Айни шу мақсадда Бахмал тумани Ойқор МФЙда давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган амалий семинар ўтказилди. Унда “Қишлоқ туризми ва яшил иқтисодиёт” уюшмаси вакиллари, сув хўжалиги ва “Bog'bon” инвитро лабораторияси мутахассислари ҳамда маҳалла аҳолиси иштирок этди.

Лойиҳа натижасида ёмғир сувини шунчаки оқиб кетадиган табиий ресурс эмас, балки йиғиш, сақлаш ва зарур пайтда самарали ишлатиш мумкин бўлган қўшимча сув манбаи сифатида фойдаланиш бўйича амалий тажриба майдончалари яратилиши кўзда тутилганлиги семинар иштирокчиларига тушунтирилди.

Сув хўжалиги вазирлиги Ахборот хизмати

Молекуляр-генетик тадқиқотлар яхши натижа берди



Бушуев зотли маҳсулдор сигир

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу муаммони ҳал этишда замонавий генетиканинг катта ютуғи бўлган молекуляр-генетик усуллардан ва генетик маркерлардан фойдаланиб, қорамолларнинг насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини эрта прогнозлаш муҳим аҳамият касб етади. Чунки, Бушуев зоти Ўзбекистонда урчитилаётган сут йўналишдаги қорамол зотлари орасида сутининг ёғлилик даражаси бўйича биринчи ўринни эгаллаб, маҳаллий иссиқ шароитга жуда яхши мослашганлиги ва қон паразитар касалликларига чидамлилиги билан бошқа зотлардан ажралиб туради.

Президентимизнинг тегишли фармон ижросини таъминлаш мақсадида, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ЎзФА Генетика институти билан ҳамкорликда Бушуев зотли қорамолларда илмий-амалий лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳа республикамизда генетик хилма хилликни асраш, жумладан, йўқолиб бораётган миллий Бушуев зотли қорамолларимизнинг қимматли генофондини молекуляр генетик тадқиқотлар ўтказиш орқали сақлаш ва кўпайтириш, зотнинг генетик паспортини яратиш муаммосини ҳал этишга қаратилган бўлиб, у Республика “Наслчилик” илмий ишлаб чиқариш марказида, шунингдек, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари хўжаликларида бажарилди. Илк бор ўтказилган молекуляр-генетик тадқиқотлар учун миллий Бушуев зотли қорамоллардан қон намуналари олиниб, ДНКси ажратиб олинди. ДНК таркибидаги маҳсулдорликка бевосита таъсир этадиган 8 та – капа-казеин, бета казеин, пролактин гени, лактоглобулин, лактоальбумин ва ўсиш гармони каби муҳим генлар полиморф баҳоланди, уларнинг ўзгариши ўрганилди.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар ЎзФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Швейцариянинг Берн университетининг генетик лабораторияларида бажарилди. Тадқиқотларда олинган Бушуев зотининг қимматли генетик маълумотлари АҚШнинг Халқаро Миллий биотехнологик маълумотлар базасига киритилди ва интеграция қилинди. Илк бор миллий Бушуев қорамол зотининг Генетик паспорти яратилди.

Республика “Наслчилик” илмий-ишлаб чиқариш марказидаги Бушуев зотига мансуб “Шерхан” лақабли наслли буқанинг қони таркибидаги бета-казеин гени тўлиқ секвинсланди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сут сифати бўйича Бушуев зотли сигирлар қимматли ва юқори генетик салоҳиятга эга. A2A2 (4388C/4388C) гомозиготали генотипга эга сут бериши ушбу генотипли сигир сути эса инсон организми учун энг хавфсиз ва фойдали эканлиги аниқланди. A2A2 генотипли сигирлар сути инсон организмида осон ҳазм бўлади, қандли диабет, юрак-қон томир ва неврологик касалликларнинг ривожланиш хавфини камайтиради.

Дунё мамлакатларида A2 генотипли сигирлар сути алоҳида сертификат билан сертификация қилинади, жаҳон бозорида оддий сутга нисбатан бир неча баробар қимматга сотилади. Масалан, АҚШнинг Ню Йорк шаҳридаги супермаркетларда бир галлон (2 литр) оддий қорамол сутининг сотув баҳоси 3,19 долларни ташкил этса, A2 генотипли сигир сути ундан беш баробар қиммат, ёки 14-15 долларда сотилади.

Бундай шифобахш A2 сутини берувчи гомозиготали генотипга эга қимматли сигирларнинг Тошкент, Сирдарё вилоятлари хўжаликларида мавжудлиги аниқланди.

Шундай қилиб, ноёб миллий зотимиз мисолида ўтказилган молекуляр-генетик тадқиқиотларда сигирларнинг сут маҳсулдорлигига бевосита таъсир этувчи 8 та муҳим генларининг ўзгаришини, уларнинг айрим аллеллари ва комбинацияси (гаплотиплари) нинг сут маҳсулдорлиги билан боғлиқлигини аниқлаш уларнинг насл кўрсаткичларини эрта прогнозлаш имкониятини беради. Бунинг учун янги туғилган бузоқни 2,5-3 йил боқиб, у сигир бўлганидан кейин сут маҳсулдорлигига қараб баҳолаш шарт эмас. Бузоқ ёшлигидаёқ унинг қонини олиб, генетик таҳлил қилиш орқали унинг келажакдаги сут маҳсулдорлигини эрта аниқлаш мумкинлиги илмий жиҳатдан исботланди. Лойиҳа доирасида олиб борилган молекуляр-генетик тадқиқотлар натижасида мазкур зотга хос генетик хусусиятлар аниқланиб, улар ГенБанк платформасида расман депонир қилинди.

Лойиҳа ижроси натижасида илк бор Ўзбекистонда яратилган бош сони тобора камайиб бораётган ноёб Бушуев зотини генетик жиҳатдан паспортлаштириш учун молекуляр панеллар ишлаб чиқилди. Улардан фойдаланиб, Янги Ўзбекистон тарихида илк бор миллий Бушуев зотининг генетик паспорти яратилди.

Генетик паспорт бу ҳайвон ДНКсининг электрон базаси ҳисобланади. Унда ҳайвоннинг ноёб генетик ва иммунологик хусусиятлари, маҳсулдорлиги, пуштдорлиги ва турли касалликларга қарши туриш қобилияти (иммунитети) акс эттирилган бўлади.

Республика “Наслчилик” илмий-ишлаб чиқариш марказидаги Бушуев зотига мансуб “Шерхан” лақабли наслли буқанинг қони таркибидаги бета-казеин гени тўлиқ секвинсланди. Навбатдаги вазифа қимматли генотипга эга эканлиги илмий жиҳатдан ўрганилган миллий Бушуев зотининг қимматли генофондини сақлаб қолиш чораларини кўришдир. Бу зотли молларни кўпайтираётган наслчилик фермер хўжаликларига улардаги ҳар бир шартли мол ҳисобига 0,60 гектардан озуқа ер майдонлари ажратиш, озуқа экинлари техникалари билан тўлиқ таъминлаш, шунингдек, имтиёзли кредитлар ажратиш орқали уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарур.

Ҳусанжон ҒИЯСОВ,
Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, қ.х.ф.н., к.и.х.,
Анваржон ХОЛМАТОВ,
институт бўлим бошлиғи, қ.х.ф.н., доцент.







A2 генотипли сигирлар сутига берилган сертификат ва сут қадоғи ва A2 сигир сутининг баҳоси

Эълон

TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI TOSHKENT, SIRDARYO, JIZZAX VA SAMARQAND VILOYATLARIDA “O‘SIMLIKLAR KLINIKASI” LOYIHASINI AMALGA OSHIRISH BO‘YICHA TANLOV E’LON QILADI!

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 11-apreldagi PQ–135-son qarori ijrosini ta’minlash maqsadida hududlarda zamonaviy «O‘simliklar klinikasi» xizmatlarini yo‘lga qo‘yish rejalashtirilmoqda. Shu munosabat bilan o‘simliklarni himoya qilish, agroxizmatlar ko‘rsatish, issiqxonachilik, bog‘dorchilik, urug‘chilik, ko‘chatchilik hamda qishloq xo‘jaligining boshqa ustuvor yo‘nalishlarida faoliyat yurituvchi tadbirkorlik subyektlarini «O‘simliklar klinikasi»ni tashkil etish bo‘yicha tanlovda ishtirok etishga taklif etamiz.

UNIVERSITET TOMONIDAN LOYIHA TASHABBUSKORLARIGA:

➤ Loyiha konsepsiyasini ishlab chiqish bo‘yicha ko‘mak;
➤ Laboratoriya va diagnostika bazasini shakllantirish bo‘yicha tavsiyalar;
➤ Kasallik va zararkunandalarni aniqlash va tashxislash bo‘yicha uslubiy yordam;
➤ Fitosanitar monitoring va dala kuzatuvlarini tashkil etish bo‘yicha ko‘mak;
➤ IPM – uyg‘unlashgan himoya tizimini joriy etish bo‘yicha tavsiyalar;
➤ Biologik va kimyoviy himoya vositalaridan foydalanish bo‘yicha maslahatlar;
➤ Klinika mutaxassislarini tayyorlash va amaliy o‘qitish;
➤ Ilmiy va innovatsion yechimlarni amaliyotga joriy etish bo‘yicha maslahatlar beriladi.

TASHABBUSKORLARGA QO‘YILADIGAN ASOSIY TALABLAR:

Loyihani amalga oshirish uchun ishtiyoq va tashabbuskorlik;
• «O‘simliklar klinikasi»ni tashkil etish hamda uning dastlabki faoliyatini moliyalashtirish imkoniyati;
• Klinika faoliyatini tashkil etish uchun zarur bo‘lgan bino yoki joy mavjudligi;
• O‘simliklarni himoya qilish, agrokimyo, fitopatologiya yoki turdosh yo‘nalishlar bo‘yicha malakali mutaxassis mavjudligi;
• Laboratoriya va diagnostika jihozlari, o‘simliklarni himoya qilish vositalari, agrokimyoviy mahsulotlar bilan ta’minlash va ularni sotish hamda qo‘shimcha agroxizmatlar ko‘rsatish imkoniyati mavjudligi talab etiladi.

TANLOVDA ISHTIROK ETISH UCHUN ARIZA TOPSHIRING

BATAFSIL MA’LUMOT UCHUN:
(+998 97) 770-86-94, (+998 94) 315-00-55.
MANZIL: Toshkent davlat agrar universiteti, Agroxizmatlar departamenti (O‘simliklar himoyasi, agrokimyo va tuproqshunoslik fakulteti binosi).



УСТОЗЛАРИМИЗ ДОИМО ЭҲТИРОМДА

Жамият тараққиёти, аввало, тажриба ва билимнинг авлоддан-авлодга ўтиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода устозлар ҳар бир жамоанинг таянчи, ёшларга йўл кўрсатувчи ҳаёт мактабидир. Бугун нафақат хотирага айланган фидойи устозлар, балки ҳозирги кунда ҳам ўзининг ҳалол меҳнати, бой тажрибаси ва эзгу насиҳатлари билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган фахрий устозларимиз борлиги барчамиз учун катта бахтдир.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Наманган вилояти бошқармаси жамоасида ҳам ана шундай ҳаёт йўлини шараф билан босиб ўтган, бугун кексалик гаштини сураётган бўлсалар-да, ўзининг билим ва тажрибаси билан ёш авлодга йўл кўрсатишда давом этаётган ҳурматли шифокор-устозлар фаолият юритган ва бугун ҳам уларнинг дуоси, маслаҳатлари жамоа учун катта мактаб бўлиб хизмат қилмоқда.

Уларнинг ҳар бир насиҳати ҳаёт сабоғи, ҳар бир тавсияси келажак сари ташланган мустаҳкам қадамдир. Айниқса, касбга садоқат, инсон саломатлиги йўлида фидокорона хизмат қилиш, ҳалоллик ва масъулият каби фазилатларни айнан ана шундай устозлардан ўрганамиз.

Бугун жамоамиз фахри бўлган Мадаминжон Тоҳиров, Мирзаахмат Йўлдашев, Юсуфхўжа Ҳожиев, Исмоилжон Қозоқов, Гавҳархон Нишанова, Ваҳобжон Мамаджанов, Зокиржон Обидов, Анваржон Насриддинов, Абдужаббор Ўринов, Ҳабибулло Абдуллаев, Эркинжон Дўсанов, Ҳабиба Салимова, Лариса Тагаева ҳамда Равшанбек Мирзаолимов каби устозларимизга ҳурматимиз чексиз.

Улар каби инсонлар бор экан, жамоамизда ҳамиша бирдамлик, хотиржамлик ва эзгулик ҳукм суради. Зеро, устозни қадрлаган жамият ҳеч қачон кам бўлмайди. Уларнинг ҳаёт йўли, фидойилиги ва меҳнати ёшлар учун доимо ибрат мактаби бўлиб қолади.

Муаззам МАҲМУДОВА,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Наманган вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

БОЛА ТАРБИЯСИДА ШАХСИЙ НАМУНА МУҲИМ

Тарбия фани ўқитувчиси ва синф раҳбари сифатида ўқувчиларим билан ишлашга алоҳида эътибор бераман. Дарслар, маънавий-маърифий тадбирлар ва ижодий ишлар орқали уларда Ватанга муҳаббат, масъулият, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва инсонпарварлик каби фазилатларни шакллантиришга интиламан. Ҳар бир боланинг қобилиятини кўриш ва уни қўллаб-қувватлаш устознинг энг муҳим вазифаларидан бири.



Менинг ҳаётимда оила тарбияси алоҳида ўрин тутади. Ота-онам зиёли инсонлар. Онам кўп йиллар ўқитувчи бўлган, ҳозир нафақада. Отам эса 32 йиллик раҳбарлик тажрибасига эга. Уларнинг меҳнати, ҳаётий сабоқлари ва тарбияси менинг шахс сифатида шаклланишимга катта таъсир кўрсатган. Бугун мен уч нафар фарзанднинг онасиман. Турмуш ўртоғим давлат хизматида. Оиламнинг меҳри ва қўллаб-қувватлаши касбий фаолиятимда менга куч беради. Фарзандларим тарбиясида ҳам, ўқувчиларим билан ишлашда ҳам меҳр, масъулият ва шахсий намуна муҳим деб биламан. Педагогик фаолиятим давомида турли тадбирлар ва лойиҳаларда иштирок этиб, ўз тажрибамни ошириб келмоқдаман. Эришган ютуқларимни ота-онамнинг тарбияси, оиламнинг қўллаб-қувватлаши ва ўқувчиларим билан биргаликдаги меҳнатим натижаси, деб биламан.

Ишончим комилки, яхши тарбия оиладан бошланади, мактабда давом этади ва жамиятда ўз самарасини беради. Бугун ўқувчига берилган тўғри тарбия эртага унинг ҳаётида, оиласида ва жамиятда намоён бўлади. Шунинг учун устозликни оддий касб эмас, инсон келажагига дахлдор шарафли масъулият, деб қабул қиламан. Бугунги меҳнатимиз – эртанги авлоднинг пойдевори. Зеро, билимли авлод – тараққиёт гарови, юксак маънавиятли авлод эса, юрт келажагининг мустаҳкам пойдеворидир.

Наргис МАҲКАМОВА,
Бўстонлиқ туманидаги 2-сонли мактабнинг Тарбия фани ўқитувчиси.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ЖАВОҲИР ПОЛВОН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Булунғур туманининг иқтидорли спортчиларидан бири Жавоҳир полвон 130 килограмм вазнда Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати иштирокчиси бўлди. Жавоҳир Шодиёров бунгача Тожикистон, Қирғизистон давлатларида бўлиб ўтган халқаро турнирларнинг мутлақ ғолиби сифатида Республикамиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Айни пайтда Жавоҳир полвон келгуси халқаро мусобақаларга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Раббим ҲОТАМОВ

Эълон

IJROIYA ORGANI RAHBARLIK LAVOZIMIGA TANLOV O‘TKAZILISHI TO‘G‘RISIDA E’LON

O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi Toshkent shahar hududiy boshqarmasi O‘zbekiston Respublikasi "Davlat mulkini boshqarish to‘g‘risida"gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori hamda Jamiyat ijroiya organining rahbarlik lavozimlariga tanlov o‘tkazish va nomzodlarni saralash tartibi to‘g‘risidagi nizom talablariga asosan "RINA MED" (STIR-310948697), "LOKOMOTIV ISTIROHAT BOG‘I" (STIR-302427067), "1-SON STOMOTOLOGIK POLIKLINIKASI" (STIR-200540597), "RESPUBLIKA STOMATOLOGIYA POLIKLINIKASI" (STIR-200794431), "UZAVTOVOKZAL SERVIS" (STIR-200796104), "O‘ZAVTOSANOATTRANS" (STIR-201233352), "MARKAZ SHAROB SAVDO" (STIR-202924909), "TOSHKENT EKOLOGIK SERTIFIKATLASHTIRISH MARKAZI" (STIR-203333163), "ENERGIYA VA RESURSLARNI TEJASH ILMIY-AMALIY VA O‘QUV MARKAZI" (STIR-203673113), "RESPUBLIKA QISHLOQ XO‘JALIGI TEXNIKASI VA EHTIYOT QISMLAR BAZASI" (STIR-204734264), "SANOAT-LOYIHALASHTIRISH MARKAZI" (STIR-204735105), "IQTISOD-MOLIYA" (STIR-205260705), "AVTOGAZTA‘MINOT" (STIR-206799586), "MELIOMASHLIZINGSERVIS" (STIR-302175667), "GEOLSERVISKOMPLEKT" (STIR-304376881), "TEMIR YO‘L MAHSULOTINI SERTIFIKATLASHTIRISH MARKAZI" (STIR-305665119), "TOSHKENT TIBBIY SANITARIYA QISMI" (STIR-309583108), "TOSHMETRO TRANS" (STIR-309784822) MCHJlarning ijroiya organ rahbarlari lavozimiga nomzodlarni saralash bo‘yicha tanlov e’lon qiladi.

Quyidagi shaxslar nomzod bo‘la oladi: oliy ma’lumoti bo‘lgan shaxslar, rahbarlik lavozimida kamida ikki yil ish tajribasiga ega bo‘lgan shaxslar, tashkilot faoliyat yuritadigan soha xususiyatlari bo‘yicha bilimlarga egalar.

Tanlov hujjatlarini topshirishning oxirgi muddati: e’lon berilgan sanadan 15 kun.

Tanlov takliflari va hujjatlar muhrlangan konvertlarda va konvertning ustki qismida tanlovda ishtirok etuvchi nomzodning tanlovda ishtirok etish uchun arizasi ilova qilingan holda taqdim qilinadi.

Hujjatlar quyidagi manzil bo‘yicha qabul qilinadi: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Islom Karimov ko‘chasi, 55-uy.

Telefon: +99899 888 81 32.

Эълон

SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA MEDITSINASI, CHORVACHILIK VA BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETINING TOSHKENT FILIALI PEDAGOGIK FAOLIYAT BILAN SHUG‘ULLANMOQCHI BO‘LGAN YOSH KADRLARNI HAMDA ILMIY DARAJA VA UNVONGA EGA BO‘LGAN YETAKCHI MUTAXASSISLARNI 2026-2027 O‘QUV YILIDA TANLOV ASOSIDA ISHGA QABUL QILADI

TANLOV KAFEDRA MUDIRI, DOTSENT, KATTA O‘QITUVCHI, ASSISTENT VA STAJYOR-TADQIQOTCHI LAVOZIMLARIGA E’LON QILINADI.

Veterinariya, chorvachilik, agrotexnologiyalar bo‘yicha yoki ularga turdosh mutaxassisliklar bo‘yicha magistr darajasiga ega bo‘lgan, chet tillari, jumladan, rus tilidan tashqari ingliz (nemis, fransuz yoki boshqa) tilini IELTS 6 (SEFR B2) darajasida bilgan 28 yoshgacha bo‘lgan talabgorlarlarga katta ustuvorlik beriladi. Shuningdek, soha bo‘yicha chuqur kasbiy bilim va ilmiy salohiyatga, yuksak intellektual qobiliyatga ega bo‘lgan, oliy ta’lim muassasalari pedagog kadrlari uchun qo‘yilgan malaka talablariga (oxirgi 3 yilda pedagogik malaka oshirish va qayta tayyorlashdan o‘tgan) hamda ilmiy daraja va unvonga ega (shu jumladan, xorijiy mamlakatlarning falsafa doktori (PhD) darajasiga yoki unga tenglashtirilgan boshqa ilmiy darajalariga ega) pedagog kadrlarni yuqoridagi lavozimlarga tanlov asosida ishga taklif qilamiz.

Tanlov O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2006-yil 10-fevraldagi 20-sonli qaroriga muvofiq, "Oliy ta’lim muassasalariga pedagog xodimlarni tanlov asosida ishga qabul qilish tartibi to‘g‘risida"gi Nizom talablari asosida o‘tkaziladi.

Tanlovda qatnashish uchun quyidagi hujjatlar taqdim etilishi lozim:

- rektor nomiga ariza;
- kadrlarni hisobga olish bo‘yicha shaxsiy varaqa (ma’lumotnoma yoki CV);
- oliy ma’lumoti, ilmiy darajasi va ilmiy unvoni to‘g‘risidagi diplom va attestatlar (nusxalari bilan);
- pasport (nusxasi bilan);
- ilmiy ishlar ro‘yxati (muassasaning tegishli organi tomonidan tasdiqlangan);
- malaka oshirish to‘g‘risidagi guvohnomalar (nusxalari bilan) – agar mavjud bo‘lsa;
- mehnat daftarchasi (nusxasi bilan) – agar mavjud bo‘lsa.

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining Toshkent filiali kafedralarning vakant (bo‘sh) lavozimlari:

KAFEDRA MUDIRI LAVOZIMIGA

1. Ekologiya, yashil transformatsiya va biotexnologiyalar kafedrasi - 1 shtat.
2. Iqtisodiyot, buxgalteriya hisobi va audit kafedrasi - 1 shtat.
3. Zooinjeneriya va ipakchilik kafedrasi - 1 shtat.
4. O‘zbek va xorijiy tillar kafedrasi - 1 shtat.

KAFEDRA PROFESSORI LAVOZIMIGA

1. Hayvonlar yuqumli va parazitar kasalliklar kafedrasi - 1 shtat.
2. O‘zbek va xorijiy tillar kafedrasi - 1 shtat.

KAFEDRA DOTSENTI LAVOZIMIGA

1. Ekologiya, yashil transformatsiya va biotexnologiyalar kafedrasi - 4 shtat.
2. Agrobiologiya va dorivor o‘simliklar yetishtirish kafedrasi - 7 shtat.
3. Zooinjeneriya va ipakchilik kafedrasi – 1,25 shtat.
4. Iqtisodiyot, buxgalteriya hisobi va audit kafedrasi – 2,75 shtat.
5. Tabiiy-ilmiy, gumanitar fanlar va jismoniy madaniyat kafedrasi – 1,75 shtat.
6. Hayvonlar morfofiziologiyasi va yuqumsiz kasalliklari kafedrasi – 1,5 shtat.
7. Veterinariya ishini tashkil etish va veterinariya sanitariya ekspertizasi kafedrasi - 1 shtat.

KAFEDRA KATTA O‘QITUVCHISI LAVOZIMIGA

1. Ekologiya, yashil transformatsiya va biotexnologiyalar kafedrasi - 2 shtat.
2. Zooinjeneriya va ipakchilik kafedrasi - 1 shtat.
3. Iqtisodiyot, buxgalteriya hisobi va audit kafedrasi - 4 shtat
4. Agrobiologiya va dorivor o‘simliklar yetishtirish kafedrasi - 1 shtat.
5. Hayvonlar morfofiziologiyasi va yuqumsiz kasalliklari kafedrasi - 3 shtat.
6. O‘zbek va xorijiy tillar kafedrasi - 2 shtat.
7. Tabiiy-ilmiy, gumanitar fanlar va jismoniy madaniyat kafedrasi - 2 shtat.
8. Hayvonlar yuqumli va parazitar kasalliklar kafedrasi - 2 shtat.

KAFEDRA ASSISTENTI LAVOZIMIGA

1. Ekologiya, yashil transformatsiya va biotexnologiyalar kafedrasi - 2 shtat.
2. Zooinjeneriya va ipakchilik kafedrasi – 2,25 shtat.
3. Iqtisodiyot, buxgalteriya hisobi va audit kafedrasi - 4 shtat
4. O‘zbek va xorijiy tillar kafedrasi - 5 shtat.
5. Tabiiy-ilmiy, gumanitar fanlar va jismoniy madaniyat kafedrasi – 1,75 shtat.
6. Hayvonlar yuqumli va parazitar kasalliklar kafedrasi - 5 shtat.
7. Hayvonlar morfofiziologiyasi va yuqumsiz kasalliklari kafedrasi - 3 shtat.
8. Veterinariya ishini tashkil etish va veterinariya sanitariya ekspertizasi kafedrasi – 1,5 shtat.

KAFEDRA O‘QITUVCHI-STAJYOR LAVOZIMIGA

1. O‘zbek va xorijiy tillar kafedrasi - 2 shtat 2. Veterinariya ishini tashkil etish va veterinariya sanitariya ekspertizasi kafedrasi - 3 shtat
3. Hayvonlar morfofiziologiyasi va yuqumsiz kasalliklari kafedrasi – 1,5 shtat
4. Agrobiologiya va dorivor o‘simliklar yetishtirish kafedrasi – 0,75 shtat.

Hujjatlar har kuni (shanba va yakshanbadan tashqari) soat 9:00 dan 17:00 gacha ushbu e’lon chop etilgan kundan boshlab bir oy muddat ichida Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining Toshkent filiali (Toshkent shahar, Chilonzor tumani 20-mavze, 35 A-uy)ning 3/309 xonasida hamda (97) 701-88-21 (@SamDVMCHBUTF_korr) telegram raqami yoki sdvu.tf@mail.ru, orifeshdavlatov01@gmail.com elektron manzili orqali qabul qilinadi.

Murojaat uchun telefonlar: (+998) 97-701-88-21, (+998) 55-503-07-79.

Qishloq hayoti

MUASSISLAR:
O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi kompleksi tarkibidagi hamda boshqa daxldor vazirlik va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay’ati:
Ibrohim ABDURAHMONOV, Shavkat HAMROYEV, Narzullo OBLOMURODOV, Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV, Raimqul SUYAROV *(bosh muharrir o‘rinbosari).*

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2009-yil 13-fevralda № 0020-raqam bilan ro‘yxatdan o‘tkazilgan.
Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi, qog‘oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.
Buyurtma G-917. 1840 nusxada chop etildi.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dizayner: Marks YUSUPOV.

Tahririyat manzili:
Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Reklama va e’lonlar – (998 90) 317-19-16.
E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.
Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Bosmaxona manzili: "Buyuk Turon" ko‘chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021
Bosishga topshirish vaqti: 21.00
Bosishga topshirildi: 20.10